

# Ishonch

2019 йил 17 август • шанба • № 100 (4229)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Эътироф

### Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар кенгайиб бормоқда

АҚШнинг бизнес ва молия бозоридagi янгиликларга иқтисослашган CNBC кабелли ва сунъий йўлдошли телеканал интернет саҳифасида Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни баҳолаб мақола эълон қилди.



Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилдан буён ҳукуматнинг мамлакат иқтисодиёти жаҳонга юзланишидаги интилишларида асосий ҳаракатлантурувчи кучга айланган.

Нашр Шавкат Мирзиёев маъмурияти мамлакат суд тизimini судлар қузатувидан инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мезонларига қараб ўзгартиришга, шунингдек, коррупцияга қарши кураш, молия бозорини либераллаштириш ва ички ҳамда ташқи инвесторлар учун қулай шароит яратишга киришган, дея таъкидлайди.

CNBS «Auerbach Grayson» брокерлик маркази таҳлилчиси Ипек де Вильдернинг фикрига таяниб, бундай ислохотлар Ўзбекистонни ЯИМнинг жуда тез суръатларда ўсиши ва қулай логистикага асосланган бозор ислохотлари туфайли хорижликлар учун кенг инвестициявий имкониятлар эшигини очган 1990 йиллар бошидаги Польша ёки 2000 йилдаги Руминия билан солиштирган.

Экспертлар Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши жараёнини ижобий баҳолаган, яъни ушбу кўрсаткич 2018 йил якунлари бўйича 5,1 фоизни ташкил этгани, жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам 5,3 фоизга кўтарилган ҳолда барқарор кўришни қасб этганини таъкидлашган.

Манба: uza.uz

## Фарғона вилояти

### Олтин водий метал маҳсулотлари

Фарғона ва Марғилон шаҳарларини боғловчи магистрал йўл бўйида ташкил этилган «Марғилон кичик саноат зона»сида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ўнлаб корхоналар фаолият юритмоқда.

Улардан бири «Олтин водий метал маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамиятида экспорт-боп курилиш материаллари – шуруп ва саморезлар тайёрланади.

«Алоқабанк»нинг Фарғона филиали кўмагида ташкил этилган корхона йилига 4,2 минг тонна маҳ-

сулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг 61 фоизи ички бозорга чиқарилса, 39 фоизи экспортга йўналтирилади.

– Корхонани ривожлантириш стратегиясининг иккинчи босқичи устида иш олиб бораёмиз, – дейди «Олтин водий метал маҳсулотлари» МЧЖ раҳбари Эркин Юнусов. – Янги лойиҳа асосида яқин кунларда болт, гайка ва анкерлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

ЎЗА Фотомухбири  
Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар



## КУН НАФА СИ

Мамлакатимиз Президенти «Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

uza.uz

«Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 август кунини Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий натижалари ва истиқболдаги устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

president.uz

16 август кунини Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Ашхобод шаҳрида Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, Ташқи ишлар вазири Рашид Мередов билан учрашди.

mfa.uz

Абитуриентларнинг талабалikka тавсия этилгани ёки этилмагани бўйича маълумот тест синовлари якунланган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

«Хўқўқий ахборот» канали

«Эльбрус ҳалқаси – 2019» халқаро танловининг финал босқичида Ўзбекистон жамоаси биринчи бўлиб Эльбрусни забт этди. Мусобақада Россия, Ҳиндистон, Марокаш, Қозоғистон ва Ўзбекистон жамоалари ўзаро беллашди.

Шунингдек, Ўзбекистон қўшин разведкачилари 5-15 август кунлари Ҳиндистоннинг Раджастхан штатидаги Жайсалмер полигонида ўтказилган «Қўшин разведкаси аълочилари» танловида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Беллашув давомида Арманистон, Беларусь, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Россия, Судан ва Ўзбекистон қўшин разведкачилари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

Ўзбекистон Республикаси давлат рақамли юк транспорт воситаларига Туркия давлатининг эркин иқтисодий зоналари ва портларига киришга ҳамда юк ортишга рухсат берилди.

Транспорт вазирлиги ахборот хизмати

Усмон Раҳимов Олмалик шаҳри ҳоқими лавозимига тайинланди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги ахборот хизмати

Қаҳрамон Ҳакимов Нурафшон шаҳри ҳоқими лавозимига тайинланди.


Тошкент вилояти ҳоқимлиги ахборот хизмати

Жорий йилнинг 15 августидан Тошкент шаҳрида жамоат транспортларида йўлқира нархлари ошган бўлса-да, ойлик йўл чипталари баҳоси оширилмайди, кейинги ойлarda ҳам эски нархда қолади. Чипталарни харид қилувчи ижтимоий қатламни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган бу тадбирда Тошкент шаҳар ҳоқимининг қарори асос бўлиб хизмат қилади. Ўртадаги фарқ эса давлат бюджетидан қопланади.

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти ахборот хизмати

## САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Жорий йилнинг етти ойида товарлар ва хизматлар экспортини 7 миллиард 331 миллион долларни ташкил этган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоиз кўпдир.



85 триллион 775 миллиард сўм инвестиция ўзлаштирилган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўпдир.

Инвестиция иқтисодиётнинг ҳаракатлантурувчи кучидир. Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилаётгани натижасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

### Жорий йилнинг биринчи ярмида

Асосий капиталда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 2,5 баробар ошиб, 1,7 миллиард долларга етган.

Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг қарийб 75 фоизи ҳудудий лойиҳаларга тўғри келмоқда.

Давлат кафолати бўлмаган хорижий кредитлар эса 3,7 баробар кўпайган.



## Бугуннинг гапи

### Гўшт нега қимматлашмоқда?

(Биринчи мақола)

Бозорлардаги нарх-навонинг, хусусан, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг кескин қимматлашгани турли давраларда, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама-ларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, пойтахт супермаркетларидан бирида лаҳм гўштининг бир килоси 105 минг сўмдан ошгани акс этган сурат кўпчилиكنи таажжубга солди. «Энди гўшт эмас эканмиз-да!», «Гўшт нархи осмонга кўтарилиб кетибди», «Бу кетишда вегетариан бўлиб кетамиз, шекилли» қабилидаги гаплар тез-тез қулққа чалиниб қолди.

Гўштининг ҳақиқий нархи, бозорлардаги талаб ҳамда сотувчи ва харидорлар кайфиятини билиш мақсадида пойтахтимизнинг бир нечта бозор ва супермаркетларида бўлиб, юзага келган ҳолатни кўздан кечирдик.

4

## Президент ташрифидан сўнг...

### Бухоро вилояти

### Қорақўлдаги машҳур мактаб дунёга донг таратади

...Эрта тонг. Бухоро вилоятидаги Қорақўл шаҳарчасининг Улуғбек кўчаси бўйлаб уч қаватли кўркам бино томон ораста кийинган, елкасига сумка осиб, қўлида китоб тутган ўғил-қизлар боришмоқда. Кўзларида азм-у шижоат, лабларида табассум. Яқиндагина таъмирланиб, фойдаланишга топширилган маскан уларни ўзига оҳанрабо мисол тортаётгандек. Ёшлар даврасида қандайдир теоремани ё Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонунини турли тилларда муҳокама қилаётган, қиёфасидан хорижлик экани сезилиб турганлари ҳам бор. Ҳадемай бинодаги кенг, шинам синфхоналар ўқувчилар билан тўлади-ю, ораларида чет эллик мутахассислар ҳам бўлган муаллимлар сабоқларга киришади.



4

## Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат!

### Имтиёзлар фақат пулдорларгами?

Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2015 йилдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари» 3-иловасининг 7.3. банди ва МЖТК 126-моддаси мамлакатимиз Конституциясига мувофиқми?

Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2015 йилдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари» 3-иловасининг 7.3. бандига асосан ҳайдовчининг жойидан теварак-атроф кўри-нишини чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ва қопламалар туширилган транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс (МЖТК) нинг 126-моддасида куйидаги жавобгарлик белгиланган: «Техник регламентга му-



вофиқ бўлмаган кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек, ҳай-

довчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш, бундан ойналар тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун тегишли рухсатнома берилган транспорт воситалари мустасно, энг кам иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади». Модданинг ушбу тахрири 20.07.2018 йилдан амалиётга киритилган.

3

Қонун лойиҳаси муҳокамада

# Муносабатлар механизмида муҳим мезон

Қасаба уюшмалари тизимининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти, ваколат ҳамда мажбуриятларини ўзида акс эттирган «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси соҳа ходимлари томонидан қизғин муҳокама этилмоқда.

Қонун лойиҳасига қасаба уюшмалари асосий ҳуқуқлари, қасаба уюшмалари инспекциялари ташкил этиш, ижтимоий шерикчилик бўйича алоҳида боблар киритилгани иш фаолиятимизни оsonлаштиришга хизмат қилади. Чунки иш берувчилар ижро ҳоқимияти органлари билан муносабатларда қонундан жавоб тополмай, турли қонун-ости ҳужжатларига мурожаат қилишига тўғри келар эди.

Янги қонун лойиҳаси менда ҳам қатор фикрларни уйғотди. Жумладан, қонун лойиҳасининг 16-моддасида «Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг, шунингдек, иш берувчиларнинг раҳбарлари қасаба уюшмасини, уларнинг

бирлашмаларини тузишга ташаббускор бўлиши, шунингдек, қасаба уюшмаларининг аъзоси бўлиши мумкин эмас», дейилади. Ваҳоланки, Конституциянинг 59-моддасида «Қасаба уюшмалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Қасаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир» деб кўрсатилган. Иш берувчиларнинг раҳбарлари «қасаба уюшмаларининг аъзоси бўлишлари мумкин эмас», деган жумла Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган иш берувчиларнинг Конституциявий ҳуқуқини чеklang кўяди, деб ўйлайман.

Халқро меҳнат ташкилотининг 98-сонли конвенциясига кўра, қасаба уюшмалари мус-

тақиллигини таъминлаш учун иш берувчилар қасаба уюшмаси таъсисчиси ва сайлаб қўйилган органи аъзоси бўла олмайди. Юқоридегилардан келиб чиққан ҳолда, 16-модданинг ушбу бандини «Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг, шунингдек, иш берувчиларнинг раҳбарлари қасаба уюшмасини, уларнинг бирлашмаларини тузишга ташаббускор бўлишлари, шунингдек, қасаба уюшма органининг аъзоси бўлишлари мумкин эмас» деб ўзгартиришни таклиф этаман.

«Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фаолиятимизда мустақкам замин яратишига ва самарали натижалар беришига ишонман.

Райхон НОСИРОВА,

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

## Тизимли ишлар сарҳисоби

Кенгашнинг навбатдаги Раёсат йиғилишида Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш натижалари, тармоқ ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича манзилли-тадбирлар режасининг бажарилиши, нодавлат секторидagi қорхона, ташкилот ва муассасаларда қасаба уюшмаси ташкилотларини тузиш йўналишида амалга оширилган ишлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар тармоқ қасаба уюшмаси хизматидаги муассасаларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш ишларининг якунлари, Раёсат йиғилишлари оралиғида қабул қилинган қарорларни тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар кўрилди.

Жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритиб, эсдалик совғаларига муносиб деб топилди. Бу эътироф этилган ташкилотларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси ва соғломлаштиришда юқори кўрсаткичларга эришиш учун бор имкониятларни сафарбар этишга қўшимча рағбат уйғотди.

Шунингдек, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолиблири ҳам тақдирланди. 2011 йилдан буён ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов натижасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган амалий ишлар, уларга етарли меҳнат ва маиший шароитларнинг яратиб берилиши, қасаба уюшмаси кўмиталари ва ташкилотчилари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш масалаларига эътибор кучаймоқда.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар инobatга олиниб, улар асосида Раёсат қарори қабул қилинди.

Муқаддас РАЗОҚОВА,  
«ISHONCH»



## Тақомиллик учун таклифлар

Қашқадарё вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Унда бирлашма кенгаши раиси Эсон Ражабов ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Турсунпўлат Норбоев мазкур лойиҳанинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз юритишди.

Тадбир чоғида қасаба уюшма фаоллари қонун лойиҳаси юзасидан ўз

фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдиришди.

– Мамлакатимиздаги нуфузли жамоат ташкилотининг келажак билан боғлиқ бўлган мазкур қонун лойиҳасининг халқ билан маслаҳатлашиш, халқ фикрини олиш учун жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани, албатта, унинг пишиқ-пухта тайёрла-

нишига, зарур қўшимча ва ўзгаришлар билан тўлдирилишга хизмат қилади, – деди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Исмат Очилов.

– Шу жумладан, мазкур қонун лойиҳасига қатор таклифларни билдирмоқчи эдим. Қонуннинг «Қасаба уюшмаларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишдаги иштироки» деб номланган 29-моддаси биринчи хатбосининг учинчи қаторидаги

«бўшатиб олинаётган» сўзларини «вазифасидан бўшатилаётган» сўзлари билан алмаштиришни таклиф этаман.


– Қонун лойиҳасининг 9-моддасида «Фуқароларнинг қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга, шунингдек, уларни қасаба уюшмаларига аъзоликка киришга мажбурлашга йўл қўйилмайди», дейилган, – дейди вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири Шамсиддин Сатторов. – Ушбу модда «Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ходимлар томонидан қасаба уюшмаларига ихтиёрийлик асосида аъзоликка кириб, бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишда иш берувчилар томонидан тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди», дея ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев, агросаноат мажмуи бўйича масъул Илхом Сабдаровнинг таклифлари ҳам барчада қизиқиш уйғотди.

Акмал АБДИЕВ,  
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

## Болажонлар мавсумдан мамнунми?



Самарқанд вилоятида бу йил 21 130 нафар мактаб ўқувчиси оромгоҳларга жалб этилди. Шаҳар ташқарисидagi 23 та (стационар) оромгоҳ, 55 та соғломлаштириш майдончасида эса 11500 нафар ўқувчи таътил кунларини мароқли ўтказди.

Болалар дам олишини ташкил этиш белгиланган бешта муҳим ташаббусдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Болажонларнинг маданият, спорт, санъат, ахборот технологиялари, китоб ўқишга бўлган қизиқиши муттасил рағбатлантирилди. Оромгоҳ иштирокчилари 957 та маданий-маърифий тадбирлар ва учрашувлар, 700 дан зиёд спорт тадбирлари, 45 мартаба театр томошалари, 456 мартаба бадий, ҳужжатли фильм, мультфильмлар кўришга таклиф этилди.

Бундан ташқари, оромгоҳларда «Кувноқлар ва зукколар», «Табият кўйнига саёҳат», «Шеърят кечаси» сингари маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилди. Барча дам олиш масканларида мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб «Шу ватанга бордир менинг керагим», «Озод элнинг ўлими», «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳида 100 нафар, «Экологик, биологик, ўлкашунослик» оромгоҳида 120 нафар, «Техник ижодкорлик» оромгоҳида 150 нафар ёшлар ҳордиқ чиқарди.

Қасаба уюшмалари кўмаги билан 130 нафар кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, 100 нафар «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари стационар оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

Мавсум якуни бўйича ўтказилган сўровномада болажонлар бу йилги мавсумдан мамнун эканини изҳор қилишгди. Бу оромгоҳлар мутасаддилари ёшларнинг дам олишига ўзгача мазмун бахш этганлигини тасдиқлайди.

Ақбар АБДУСАИДОВ,

Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Қашқадарё вилояти

## Салқин гўшаларда қайноқ тадбирлар

Китоб туманининг Қайнар қишлоғида жойлашган «Муборакнефтьгаз» МЧЖга қарашли «Ёш алангачи» оромгоҳида тўрт навбатда 2800 нафардан зиёд ўғил-қиз дам олдирилди.


– Қорхона маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитаси мавсумни юқори савияда ўтказиш учун барча шароитларни яратиб берди, – дейди оромгоҳ раҳбари Бекмурод Кўчаров. – Давлатимиз раҳбари илгари сурган беш ташаббусни амалга татбиқ этиш учун оромгоҳ китоблар, рассомлик жиҳозлари, мусиқа асбоблари ҳамда спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланди.

Турли кўрик-танловлар асноси билим ва маҳоратлар синондан ўтказилди. «Рақс маликаси», «Теурий издошлари», «Мард ва жасур ўғлонлар», «Менинг оромгоҳим» расм чизиш кўрик-танлови кабилар шулар жумласидандир.


Китоб туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, шунингдек, Муборак туманидан 80 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда етти нафар Қўзи охишлар жамияти аъзоларининг болалари ҳам «Ёш алангачи» да имтиёзли соғломлаштирилди.

Оромгоҳнинг тантанали ёпилиш маросимида тадбирларда фаол қатнашган ўқувчи ёшларга ҳамда уларнинг тарбиячи ва етакчилари, тўғрақ раҳбарларига эсдалик совғалари, китоблар тўхфа қилинди.

Ўз муҳбиримиз



Ўзги соғломлаштириш



Бухоро вилояти

## «Оромитан» таассуротлари

Невараларим – Ромитан тумани 23-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Шоҳижон Мирзаев ҳамда 3-синф ўқувчиси Феруза Мирзаева ота-онаси ишлайдиган қорхонанинг қасаба уюшмаси ташкилоти ажратган имтиёзли йўлланмалар асосида «Оромитан» ёзги болалар оромгоҳида дам олиб қайтди.

Уйга киришим билан набираларим кучоғимга отилишди. Нандинда, улар ўн икки кунда янада тўлишиб, кўркамлашгандай туюлди. Таассуротлар билан ўртоқлашдик. Уларга оромгоҳ жуда ёқибди. Бири қўйиб, бири мақтайди. Оромгоҳда яратилган замонавий шароитлар, болалар учун ташкил этилган спорт майдончалари, сув ҳавзалари, қўлай ва шинам ётоқхоналар, ошпазларнинг қўли ширинлиги, 5 ташаббус доирасида ташкил этилган тўғрақлар...

Ҳа, уларнинг фикрлари чиндан ҳам рост эди. Бир неча марта иш юзасидан борганимда болалар учун яратилган шарт-шароитларни, қисқа муддатда қайта реконструкция қилинган дам олиш масканини кўриб, мен ҳам ҳайратланган эдим.

Бир тарафда маданий томошалар – кўнгирчоқ театрлари, сахнавий кўринишлар, бир тарафда эса расмлар танлови. Яна бир ёнда мушоира ва китобхонлик соатлари. Ўғил-қизлар иқтидорига қараб гуруҳларга бўлинган. Спортга қизиқувчилар теннис, волейбол ўйнашпти. Менга, айниқса, кутубхонанинг ўзига хос безатилгани манзур бўлди. Замонавий ва шинамгина экан. Овқатланш рақибон билан танишгач, болаларни шу оромгоҳга жўнатиб янглишмаганимизга амин бўлдик.

Ўғил-қизларимиз Ёшлар иттифоқи туман кенгашининг китобхонлик тадбирлари, қасаба уюшмасининг спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, фахрий ёрликлар билан қайтишгандан беҳад суюндик.

Раҳима АТОВА,

Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгаши депутати

Сирдарё вилояти

Сирдарё вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қорхона, ташкилот ва муассасаларда қасаба уюшма ташкилоти фаолиятини тўғри ташкил этиш мақсадида режа асосида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Давра сўхбати

## Мақсад – билим ва фаолликни ошириш

Навбатдаги ўқув Сирдарё туманида бўлиб ўтди. Унда тумандаги 52 нафар бошланғич қасаба уюшма ташкилоти раиси иштирок этди.

Тингловчиларга уюшма аъзолик бадалларидан мақсадли фойдаланиш, жамоада маданий тадбирлар ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, соҳанинг ҳуқуқий асослари, ёшлар билан ишлаш каби муҳим мавзуларда маърузалар қилиниб, тажрибалар ўртоқлашилди.

– Машғулотлардан кўзланган мақсад фаолиятни яхшилаш, бошланғич ташкилот раиси билим даражасини кенгайтириш, уларнинг фаоллигини оширишдир, – дейди бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Қаршибой Эшназаров. – Бугун жамоат ташкилоти саналган қасаба уюшмаларининг ходимлар манфаатини ҳимоя қилишдаги ҳиссаси муҳим аҳамиятга эга.

Давра сўхбати давомида кундалик фаолиятда доимо ҳуқуқий асосларга таяниш, ишни меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш масалалари хусусида батафсил сўз юритилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»



# Имтиёзлар фақат пулдорларгами?

Унинг 1999 йилдаги тахрири куйидагича бўлган: «Кўзгусимон, шунингдек, тегишли давлат стандартларида белгиланган нормаларни бузган ҳолда тайёрланган туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш». Яъни, машина ойналари тусини ўзгартириш ва қорайтириш тақиқланган, лекин парда билан тўсиш маън этилмаган.

2011 йилдан бошлаб ушбу модда куйидаги тахрирда баён этилган: «Давлат стандарт нормаларига мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ёки туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек, ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофини кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш». Яъни, машина ойнаси тусини ўзгартириш (қорайтириш) ҳамда қўшимча нарсалар, яъни парда билан тўсиш ҳам тақиқланган, лекин ойналар тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун тегишли рухсатнома берилган транспорт воситалари мустасно деб белгиланмаган эди.

Бирон-бир ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни тақиқловчи ёки чекловчи қонун нормалари мантикий асос ва сабабга эга бўлиши шарт. Лекин МЖТКнинг 126-моддасининг айрим қисмларида бундай мантикий асос ва сабаб мавжуд эмас.

**Биринчидан:** ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофини кўришни чеклашни қўришни чеклашни йўлларда ҳаракатланувчи бошқа иштирокчиларнинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкинлиги сабабли ушбу тақдир амалга киритилган, деб ҳулоса қилинадиган бўлса, у ҳолда маълум миқдорда пул тўлаш ҳисобига машина ойналарини қорайтириш ва парда билан тўсишга рухсат берилишини қандай тушуниш мумкин?

Мамлакатимиз Конституциясининг 18-моддаси 2-қисмида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт» деб белгиланган.

Машина ойнасини қорайтириш ҳуқуқини пулга сотиб олиш мумкинлигини белгиланган қонун нормасини ижтимоий адолат принцигига мос деб ҳисоблаш мумкинми? Ҳаётки, қонун нормаси билан маълум бир ҳуқуқ фақат пулдорларга берилиши мумкин, пулсизлар эса бундай ҳуқуқдан маҳрум бўлса? Демак, пулдорларга автомашиналарнинг барча ойналарини қорайтириб йўлларда ҳаракатланувчи бошқа иштирокчиларнинг хавфсизлигига таҳдид солишига рухсат бериш мумкинми? Автоматини ойнасини қорайтиришга пул тўлаб, бунга рухсат олган шахсларни жавобгарликдан озод этувчи қонун нормаси МЖТКнинг 3-моддасида белгиланган фуқароларнинг қонун олдида тенглик принцигига зиддир. Демак, пул тўлаб рухсат олган фуқароларда автомашина ойнасини қорайтириш ва бунинг учун жавобгарликка тортилмаслик ҳуқуқи бор. Пул тўлашга имконияти бўлмаган фуқароларда эса бундай ҳуқуқ йўқ ва улар жавобгарликдан озод этилмайди. Ҳуқуқнинг бирон-бир шарт асосида берилиши тенг ҳуқуқлиқ тушунчасини рад этади.

**Иккинчидан:** орқа ён ойналарни қорайтириш ёки парда билан тўсиш ҳайдовчи ўрнидан теварак-атрофини кўришни чеклайди, чунки автомашинани бошқаришда ҳайдовчи ушбу ойналардаги кўришнидан мутлақо фойдаланмайди. Демак, орқа ён ойналарни қорайтириш ёки уларни парда билан тўсишни тақиқлаш йўлларда ҳаракатланувчи бошқа иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурати билан асосланган бўлади. Бу дегани қонун чиқарувчи бирон-бир мантикий асосларсиз ва сабабларсиз фуқароларга автомашиналарнинг орқа ён ойналарини қорайтириш ва уларни парда билан тўсишни тақиқлаб, ушбу тақиқни бузганларга ҳаттоки маъмурий жавобгарликни белгилаб қўйган.

МЖТКнинг 2-моддасига асосан «**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди**».

Автоматини олд ойнаси, олд ён ойналари ва орқа ойнасини қорайтириш ёки тўсиш автомашинани бошқаришда ҳайдовчи ўрнидан теварак-атрофини кўришни чеклайди ва йўлларда ҳаракатланувчи бошқа иштирокчиларнинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. Орқа ойнани қорайтириш ёки парда билан тўсиш ушбу

машинанинг орқасидан ҳаракатланиб келаётган автомашина ҳайдовчиларини олдинда ҳаракатланиб кетаётган автомашинанинг ичи орқали кўришни чеклаб, улар ўзиб кетиш маневрини бажарганида олдиндаги турли тўсиқларга (пиеда, мол, велосипедчи) тўқнашув содир этишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Орқа ён ойналарни қорайтириш ёки парда билан тўсиш йўлларда ҳаракатланувчи бошқа иштирокчиларнинг хавфсизлигига таҳдид солишига сабабли Вазирилар Маҳкамасининг 24.12.2015 йилдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари» 3-иловасининг 7.3. банди куйидаги тахрирда ўзгартирилиши лозим: «**Ҳайдовчининг жойидан теварак-атроф кўришини чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ва қопламалар туширилган бўлса, (орқа ён ойналар бундан мустасно) бундай транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади**».

Бундан ташқари, МЖТКнинг 126-моддаси куйидаги тахрирда ўзгартирилиши лозим: «Техник регламента мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек, ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофини кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади (бундан орқа ён ойналар тусини ўзгартириш (қорайтириш) мустасно)».

Оддий тил билан айтганда, ушбу ўзгартиришлар орқали барча фуқароларга ҳеч қандай тўловсиз автомашина орқа ён ойналарини қорайтириш ёки уларни парда билан тўсишга рухсат бериш лозим. Серкўёш Ўзбекистон иқлимида ушбу чора фуқароларнинг соғлигига зарар етказишига йўл қўймастик заруратидан келиб чиқади. Бу, айниқса, шаҳарлараро қатновчи автомашиналар учун жуда долзарб масала. Шаҳарлараро қатновчи автомашинада бир неча соат давомида тўғридан-тўғри тушиб турган кўёш нури остида ҳаракатланиш фуқароларнинг соғлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Шу билан бирга барча фуқароларга автомашиналарининг олд ойнасини, олд ён ойналарини ва орқа ойналарини қорайтириш ёки парда билан тўсишни тақиқлаб, бундай ҳуқуқнинг пул ҳисобига берилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги қонуннинг 2-моддасига асосан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди (бундан буён матнда Конституциявий суд деб юрилади) қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органидир».

Шу қонуннинг 4-моддасига кўра,

«Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармоишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди».

Шу қонуннинг 31-моддасига асосан, «Конституциявий суд Конституцияга мувофиқлигига шубҳа туғдирган, кўриб чиқилаётган аниқ масалалар юзасидангина ҳужжат қабул қилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан 09.01.2015 йилда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига асосан «Мурожаат куйидаги талаблардан бирига жавоб берса, у Конституциявий суд ваколати доирасидаги масалалар акс эттирилган мурожаат ҳисобланади:

- мурожаатда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини текшириш сўралган бўлса» деб белгиланган.

Қайд этилганларга асосланиб, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига мувофиқ Вазирилар Маҳкамасининг 24.12.2015 йилдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари» 3-иловасининг 7.3. банди ва МЖТК 126-моддасининг мамлакатимиз Конституциясига мувофиқлигини текширишни сўрайман.

«Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармоишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди».

Шу қонуннинг 31-моддасига асосан, «Конституциявий суд Конституцияга мувофиқлигига шубҳа туғдирган, кўриб чиқилаётган аниқ масалалар юзасидангина ҳужжат қабул қилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан 09.01.2015 йилда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига асосан «Мурожаат куйидаги талаблардан бирига жавоб берса, у Конституциявий суд ваколати доирасидаги масалалар акс эттирилган мурожаат ҳисобланади:

- мурожаатда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини текшириш сўралган бўлса» деб белгиланган.

Қайд этилганларга асосланиб, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига мувофиқ Вазирилар Маҳкамасининг 24.12.2015 йилдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари» 3-иловасининг 7.3. банди ва МЖТК 126-моддасининг мамлакатимиз Конституциясига мувофиқлигини текширишни сўрайман.

Абдураҳмон ҲАМИДОВ, ҳуқуқшунос

## Эълонлар

### Хурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар! МЧЖ «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик кимовши савдоларига таклиф этади!

**I. Очик кимовши савдоларига куйидаги автотранспорт воситалари куйилмоқда:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси Хўжалик бошқармасига қарашли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01 329 VSB бўлган «Газ 6614» мануали (носов) автотранспорт воситаси.  
Бошланғич нархи – 15 924 000 сўм.
2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй манзилида жойлашган «Узгазлойх» МЧЖга қарашли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01 556 VAA бўлган «Ласетти» (коробка узатичи таъмиртаб, носоз ҳолда) русумли автотранспорт воситаси.  
Бошланғич нархи – 47 179 062 сўм.
- Аукцион савдолари 2019 йилнинг 17-, 24 сентябрь ва 3 октябрь кунлари соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.
- Мазкур автотранспорт воситалари 2019 йил 17 сентябрь кунги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда, эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

**II. Такоррий аукцион савдоларига куйидаги автотранспорт воситалари куйилмоқда:**

1. Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасига қарашли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 20 317 VSF бўлган «Отюол» русумли (носов) автотранспорт воситаси.  
Бошланғич нархи – 12 067 000 сўм.
- Такоррий аукцион савдолари 2019 йилнинг 24 декабрь кунига қадар ҳафтанинг ҳар сешанба кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.
- Талабгорлар савдо ташкилотчасига савдога қатнашиш учун юзгага келадиган барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширадиган.
- Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисобрақамига (банк: АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоқур филиали, х/р: 2020800090492947001, МФО: 00425, СТИР: 302074183, ОКОНХ: 83200) тўлашлари шарт.
- Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 16:00гача қабул қилинади.
- Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимовши савдоси ўтказилишига бир иш кунни қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. **Телефонлар:** 71-249-54-59. **Веб-сайт:** ktias.uz

Лицензиялар лицензияланган.

### «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкилоти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такоррий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

**I. Аукцион савдосига «Агрокимёхима» АЖ Қорувулбозор тумани филиалининг 2019 йилдаги буюртма-хатига асосан куйидаги мулклар куйилмоқда.**

Бухоро вилояти, Қорувулбозор тумани, «Чўлқувар» МФИда жойлашган, умумий майдони 4300 м² ва қурилиш майдони 165,1 м²дан иборат «Кимёвий оғир биносини».

**Бошланғич баҳоси – 12 260 000 сўм.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шартларда буюртманомалар аукцион ташкилотчасига томонидан расмий иш кунлари соат 9:00дан 18:00гача Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.

Аукцион савдоси 2019 йил 14 сентябрь кунги соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади.

Буюртманомаларни қабул қилиш 2019 йил 13 сентябрь кунги соат 18:00да тўхтатилади.

Мазкур бино 2019 йил 14 сентябрь кунги ўтказиладиган очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда бинонинг такоррий аукцион савдолари 2019 йилнинг 21-, 28 сентябрь ва 5-, 12-, 19-, 26 октябрь кунлари соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

**II. «Агрокимёхима» АЖ Шофиркон тумани филиалининг 2019 йилдаги буюртма-хатига асосан куйидаги мулклар такоррий очик аукцион савдоларига куйилмоқда.**

1. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, «С.Жўра» МФИ, Халажиён қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2872 м² ва қурилиш майдони 391,3 м²дан иборат бўлган «Эски маъмурий бино-иншоотлари».
2. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, «Дўрмон» МФИ, Дўрмон қишлоғида жойлашган, умумий майдони 364 м² ва қурилиш майдони 160 м²дан иборат бўлган «2-сонли биологатория» биносини.

**Бошланғич баҳоси – 27 914 105 сўм.**

3. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, «Мингчино» МФИ, Янгибоб қишлоғида жойлашган, умумий майдони 901,2 м² ва қурилиш майдони 901,2 м²дан иборат бўлган «7-сонли шохобча ва молхона бино-иншоотлари».
4. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, «Гулистон» МФИ, Шўрабод қишлоғида жойлашган, умумий майдони 1200 м², қурилиш майдони 457,8 м² ва фойдала майдони 395,9 м²дан иборат бўлган «8-сонли шохобча бино-иншоотлари».

**Бошланғич баҳоси – 68 127 136 сўм.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимовши савдоси ўтказилишига бир иш кунни қолганда тўхтатилади.

**Манил:** Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй. **Тел.:** (0365) 221-51-81. **E-mail:** spartak-konsalting@umail.uz. **Веб-сайт:** www.sk7.uz

Лицензия RR-0079

«Ishonch»га жавоб берадилар

Газетанинг шу йил 1 июнь кундаги сонидан чоп этилган «Тез айтиш» да ким ғолиб? Ёхуд ҳокимнинг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш ҳақида» сарлавҳали мақолага Жиззах вилояти прокуратураси куйидагича муносабат билдирди:

## Тугамаётган «ўйин»



«ТЕЗ АЙТИШ»ДА КИМ ҒОЛИБ?»

Мақолани ўрганиш давомида аниқланишича, Зафаробод тумани прокурори «Шамшодбек хирмони» фермер хўжалиги раҳбари Э.Маматқулов матфаатини кўзлаб 2018 йил 11 июнь кун Зафаробод тумани маъмурий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2018 йил 21 апрелдаги 724-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Зафаробод тумани маъмурий судининг 2018 йил 22 июндаги ҳал қилув қарори билан у куйидаги асосларга кўра қаноатлантирилган:

Жиззах вилояти иқтисодий судида Зафаробод тумани ҳокимлигининг «Хосиятли дала» фермер хўжалиги билан тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси кўриб чиқилиб, 28.11.2017 йилда даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Судда Зафаробод тумани ҳокимининг 26.03.2015 йилдаги 371-сонли қарори билан янги ташкил этилган «Хосиятли дала» фермер хўжалигига ер ажратиб бериш тўғрисидаги шартнома 25.12.2015 йилда 1598-сон билан рўйхатга олиниб, туман кадастр бўлими ва фермер хўжалиги тарафидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган бўлса-да, Зафаробод тумани ҳокимлиги томонидан имзоланмагани, муҳр билан тасдиқланмагани, фермер хўжалигига ер ажратиб бериш тўғрисидаги қарори Жиззах вилояти ҳокими қарори билан тасдиқланмагани аниқланган.

Суд мазкур ҳолатда ерни ижарага бериш шартномаси тарафлар ўртасида белгиланган тартибда расмийлаштирилмагани сабабли уни тузилмаган деб ҳисоблаб, Зафаробод тумани ҳокимлигининг «Хосиятли дала» фермер хўжалигига ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган.

Зафаробод тумани ҳокимлиги Жиззах вилояти иқтисодий судининг 28.11.2017 йилдаги Зафаробод тумани ҳокимлиги ва «Хосиятли дала» фермер хўжалиги ўртасидаги ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарорини нотўғри талқин қилган ҳолда суд қарорини асос қилиб, туман ҳокимининг 21.04.2018 йилдаги 724-сонли қарорини қабул қилган.

### ТАҲРИРИЯТДАН:

**Мақолада яхши ният билан фермерликка кўл улган инсоннинг бошига тушган ғавғолар баён этилиб, муаммонинг ечими мутасаддилар эътиборига ҳавола қилинган эди. Афсуски, Жиззах вилояти прокуратураси масалга юзак ёндашган ҳолда ҳисобот шаклидаги жавоб хати йўллаган.**

**Очиғи, биз масалга бошқачароқ ёндашилади ва мақолада тилга олинган барча саволлар ўз жавобини топади деган умидда эдик. Ҳозирга қолган эса таҳририятдан мавзуга яна ҳақиқий тақозо этади...**

Б.УМАРОВА, Жиззах вилояти прокурорининг ўринбосари

# Қоракўлдаги машҳур мактаб дунёга донг таратади

41 Мабодо қайсидир бир мусаввир ёки сураткаш тез орада Қоракўл туманида фаолият бошлайдиган, ихтисослиги ва мақомига кўра Ўзбекистонда биринчи таълим даргоҳига айланиши кутилаётган Халқаро математика мактаби ҳақида туркум суратлар ишласа, эҳтимолки, айна шу манзараларни тасвирлаган бўларди.

Бу мактаб эришаётган ютуқлардан кенг жамоатчилик хабардор, албатта. Биргина бу йилдан қиб. Яқунланган ўқув йилида ушбу мактабда 380 нафар ўғил-қиз тахсил олди, тўрт ўқувчиси шу йилнинг августда Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида ўтган халқаро математика олимпиадасида кўша-қўша медалларни қўлга киритди.

Шу йилнинг 9 августда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида «Халқаро математика мактаби» мақоми берилди.

Таъкидлаш керакки, бу хайрли ва қўлданвор тадбир давлатимиз раҳбари-

нинг шу йил 29-30 март кунлари Бухорога қилган ташрифи билан бевосита боғлиқ. Билим маскани директори Темир Рўзиевнинг айтишича, у ушбу ташриф чоғида Президентимиздан илгари Қоракўл санат ва транспорт касб-хунар коллежига қарашли бўлган бино ҳамда иншоотларни мактаб-интернат ихтиёрига берилишини сўраган. Негаки, масканнинг ўз биноси бир қадар эскирган, синфхоналари нисбатан тор. Ўқув жиҳозларини, ахборот-коммуникацион воситаларни, мебелларни янгилашга эҳтиёж бор. Бу ҳол шогирдларини мамлакат ва халқаро миқёсдаги билимдонлик баҳсларига тайёрлаётган педагог

Учрашув асносида давлатимиз раҳбари бу фикрга розилик билдириб, ўз навбатида, математика фанини самарали ўқитиш бобига мамлакатимизда етакчи саналган даргоҳга «Халқаро мактаб» мақоми бериш таклифини илгари сурган эди.

Мана энди амалий ишга ўтиш вақти келди. Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро вилояти Қоракўл туманида «Халқаро математика мактаби»ни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига кўра, 2019-2020 ўқув йили учун Халқаро мактабнинг 7-синфига 90 нафар бола қабул қилиниши, бу ерда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда аниқ ва табиий фанлар, шунингдек, чет тиллари чуқур ўқитилиши кўзда тутилган.

Келгусида Халқаро мактабда шартнома асосида юздан ортиқ чет элик ёшлар ҳам тахсил олиши, маскан ҳар бирида ўттиз нафардан ўғил-қиз ўқийдиган математика-инглиз тили, математика-физика ҳамда кимё-биология сингари факультетлардан, бир неча кафедрадан иборат бўлиши, қолаверса, хориж тажрибаси ва ўқитиш методикаси татбиқи учун дарс жараёнига хориждан малакали профессор-ўқитув-

чилар ҳам жалб этилиши режалаштирилган.

Албатта, бу ишлар ўз-ўзича силлиқ кечмайди. Олдинда маскан ихтиёрига ўтган бинони 40 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан капитал таъмир-ланган ва жиҳозлаш, 200 ўринли ётоқхона, 50 ўринли меҳмонхона қуриш масалалари навбатини кутиб турибди. Бу вазифалар келгуси йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида белгиланди. Халқаро мактаб янги жойга кўчгунича ҳозирги ўрнида фаолият кўрсатади.

Яна бир жиҳат. Янги ўқув йилидан бошлаб катта ёшли ўқувчилар ўртасида ҳар йили математика бўйича ўтадиган халқаро IMO олимпиадасида шогирди олтин медалга эришган педагог ходимларга энг кам иш ҳақининг 450, ўқув-



«Халқаро математика мактаби»нинг ўзига эса 500 баробари миқдорда бир марталик мукофот пуллари берилди. Ўз навбатида, мактаб раҳбарияти вакиллари ва ўқитувчилар бюджет маблағлари ҳисобидан юз фоизлик қўшимча устама ҳақи олишади.

Ажаб эмаски, тез орада қай бир мусаввир ёки сураткаш мақоми юксалган бу муассасага Давлат тест марказининг математика ва инглиз тили бўйича тест синовларидан, шунингдек, психологик-педагогик диагностикадан муваффақиятли ўтиш орқали қабул қилинган иқтидорли ёшлар юксак чўққиларга чиққан оларни ҳам ўзларининг энг яхши асарларига мухрласа...

Рустам ИБРАГИМОВ, «ISHONCH»



Қулоққа чалинган гаплар

## Мен сизга айтсам...

Уйини топиб боролмайдиган одамни уйинга таклиф қила кўрма, ўзинг ҳам кўчада қолишинг мумкин.

\*\*\*

Қозоннинг қораси тегса, ана сув, ана совун — ювиниб, тараниб олишинг мумкин. Ёмоннинг касрига қолишдан ўзи асрасин, чунки унга на сув, на совун кор қилади — изтиробли кунларни эса умрдан айриб ташласа ҳам бўлаверади.

\*\*\*

Ўз-ўзимга танбех беравериб баъзан чарчаблар кетаман: «Сенга алоқаси йўқ нарсаларга жиғибйорон бўлиб, ҳуда-беҳуда ара-лашишларни бас қил», «Ўтиб турган карвон сенсиз ҳам йўлида давом этаверади», «Қўлни ювиб қўлтиққа уришдан аввал ён-атрофда сув борми-йўқми, бир кўздан кечириб олсанг, янглишмайсан»...

Лекин қаёқда. Худди менсиз дунё кемтиклашиб қоладигандек, на тилимни, на қўлимни тия оламан. Балки бу яхшиликкадир, балки... «Фақир киши панада» қабилида яшай олмасам нима қилай?...

\*\*\*

Ўпкасига қурт тушиб, босар-тусарини билмай қолган одамнинг шақдини қайтаришинг ҳеч бир ёмонлиги йўқ. Ҳозир бўлмаса, бошқа бир пайт, албатта, раҳмат айтади.

\*\*\*

Тартиб-интизом издан чиққан жойни ишхона деб аташга сира тил бормайди. Чунки иш ҳам шунга яраша — ҳаминқадар бўлади-да...

\*\*\*

Бир гапга ўнтани кўндириб турадиган одам ҳеч қачон ҳеч кимга ҳеч нарсасини бериб қўймайди аниқ. Лекин косаси оқармаслиги ҳам бор гап. Коса қўлдан-қўлга ўтиб турсагина уйга, рўзғорга ва кармонга барака киради.

\*\*\*

Уни на оғирнинг остида ва на енгилнинг устида кўрасиз. Бир чеккада туриб хайбаракаллачилик қилишни афзал билади. На кийган кийими ва на шаънига гард юкмаслигининг сирини ҳам шунда.

Мухаммад ЗАЙНИДДИН


Блогерлар бурчаги

fayzboq.uz

Bizoz yunior, bizoz muhofaza, bizoz tanqid, bizoz talab

Hammaisa oqiragan. Bizda qo'shish yozish yo'q

## Инсоф сари барака



Тадбиркорларга маълумки, Ўзбекистонга импорт маҳсулотини вагонда олиб келиш, машина (фура, КАМАЗ, авио)га қараганда анча арзон тушади.

Ўзбекистонга импортчилар аксарияти Қозоғистон чегарасига, «Сари-Агаш» станциясига маҳсулот таннархига қўшиб ҳисобланади. Яъни, «DAP Сари-Агаш» «Сари-Агаш»дан бу ёнига ўзимизнинг «Темир йуллари»га сўмда тўлов қилинади.

**Хулоса:** «Сари-Агаш»дан 10-20 километр атрофида бўлган «Келес» станциясига вагонни олиб кириш 8 миллион сўмдан бошланади.

Худди шу вагон Павлодардан 1985 километр — 180 баравар узокдан 1700 АҚШ долларига келади.

Ўзбекистон 11 километр — 1000 АҚШ доллар.

Қозоғистон 1985 километр — 1700 АҚШ доллар.

Ўғри бўл, гар бўл, инсоф билан бўл.

**Р/С: 5-10 километрга адашган бўлишим мумкин.**

Маъруф ЖҲҲАБОВ  
www.facebook.com/fayzboq/



## Лаҳмнинг нархидан сотувчи ҳам ҳижолат

Чилонзор туманидаги «Корзинка» супермаркетидамиз... Савдо масканида мол гўшти нархи қайси қисмидан эканига қараб, турлича — 39 минг сўмдан 65 минг сўмгача (лаҳм) сотилмоқда. Аксарият одамлар арзон нархдаги гўштни харид қилишмоқда. Шунга қарамай, дўконнинг гўшт маҳсулотлари сотиладиган қисми унчалик гавжум эмас.

Супермаркетдан чиқиб, Фарҳод бозорига йўл олдик. Нархлар турлича. Мол гўшти 36 минг сўмдан 52 минг сўмгача, қўй гўшти эса 52-56 минг сўм атрофида. Музлатгич четига «39 минг сўм» деб ёзиб қўйилган гўшт расталаридаги нархлар 39 мингдан 43 минг сўмгача боради.

— Бизда ичкаридагидан кўра арзон, — дейди бозорнинг ярмарка қисмида ўтирган сотувчи мени ёнига чорлаб, — келинг, 42 мингдан яхши жойидан тортиб бераман.

Фурсатдан фойдаланиб, сўрайман:

— Ака, нимага гўшт нархи бунча кўтарилиб кетди?

— Ўзи ҳамма нарсанинг нархи ошяпти-да, тагин ҳам бизда арзон. Нархлар ҳали яна кўтарилади, — дейди у.

Бозорнинг гўшт сотиладиган қисмида аксарият расталар бўш, харидорлар сийрак. Қизғин, бозорда бирор қассоб ё сотувчи лаҳм гўшт сотмаётган экан.

— Лаҳм гўшт нархини айтишга ўзимиз ҳам ҳижолат бўляпмиз, — дейди ўзини Акмал деб таништирган сотувчи йигит. — Тўғриси, бу нархда кимдир лаҳм харид қилишига кўзимиз етмайди. Шунинг учун ҳар доимидек суяк қўшиб сотаяпмиз.

## Гўшт нега қимматлашмоқда?

«АРЗОН ДЕСАМ, ЯРМИ СУЯК...»

Бозорнинг «Элга хизмат» расталарида нархлар нисбатан арзон: қўй гўшти ҳам, мол гўшти ҳам 39 минг сўм.

Сотувчилардан лаҳмнинг ўзини қанчадан сотишини сўраганимизда, улар лаҳм сота олмаслигини, 300 граммча суякли гўшт қўшиб беришларини айтишди.

Бу гап бизни ҳисоб-китобга ундайди. Бир килограмм гўштни 39 минг сўмга оламиз. 300 грами суякка чиқади. Бу демакки, бир килограмм лаҳм гўшт ўртача 55 минг сўмга айланмоқда. Фақат суяги фойда қолганини айтмасам...

— Ўтган кун икки кило гўшт олдим, — дейди харидорлардан бири. — Уйга бориб ўлчасам, 800 грами суяк чиқди. Уша пулга лаҳм сотиб олмаганимга афсусландим.



нинг бирида гўшт нархи 105 минг сўм этиб белгилангани ҳақидаги хабарлар ва суратлар ижтимоий тармоқларда пайдо бўлди. Баъзи манбаларнинг таъкидлашича, гап қўйлиқ даҳасидаги «Макро» супермаркети ҳақида кетяпти.

Воқеага ойдинлик киритиш мақсадида ўша жойга бордик. Аммо су-

пермаркетда гўшт нархи айтилганидек, 105 минг эмас экан. Мол гўшти 38990 сўмдан 59990 сўмгача, лаҳм 64 минг сўм, қўй гўшти 38990 сўмдан 62000 сўмгача сотилаётган экан.

Сотувчи қиз нарх ошгани учун лаҳм деярли сотилмаётгани ва шу сабабли алоҳида сотувга чиқарилмаётганини айтди.

Демак, барча миш-мишларга ҳам ишонавермаслик керак. Аммо нархнинг шу тарзда ошиб бориши давом этса, ҳадемай ўша суратдаги нархлар расталарда кўриш оддий ҳолга айланиб қолса, ажаб эмас.

## НАРХ НЕГА ОШМОҚДА?

Аввалроқ муттасил ўсиб бораётган гўшт нархини барқарорлаштириш мақсадида, ҳукумат қарорига кўра, жорий йилнинг 1 октябригача бўлган муддатда гўшт (мол, қўй, товуқ гўшти), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ҳамда уларнинг сўйиш маҳсулотлари ҳам қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Шундай бўлса-да, ҳозирда нархларда ўзгариш сезилмаяпти.

Муттаҳассислар эса юртимизда чорвачилиқдаги камчиликлар ва ем-хашак етиштириш учун майдонларнинг етишмаслиги, ерининг шўрланиши, озуқа-ем маҳсулотлари таннархининг юқорилиги ва гўшт бозорга чиққунга қадар «йўл»да «воситачилар» кўплиги нарх ошишининг асосий сабабларидан эканини таъкидлашади.

Бозор, барибир, бозор. У нархни ўзи мувозанатга солади. Бозорнинг бўйсинмас қонунилар бор. Шу сабаб, бизнинг наздимизда, айбни бозордан изламаслик керак.

Сабабларни илдиздан излашимиз керак. Демак, мавзуга яна қайтамыз.

Аъзамжон АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»

## Мавзуга доир

## Ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида мувозанат йўқ

Шунга кўра, барча хатарлар ва нарх ўзгариши маҳаллий санат етишмаслиги билан боғлиқ, шунинг учун, биринчи навбатда, йирик ишлаб чиқарувчиларнинг ички маҳсулдорлигини ривожлантириш зарур, улар ташқи бозорни ҳам таъминлай олади ва харидорлар учун сифатли ва паст нархларни қафолатлаши мумкин.

МАНБА: SPUTNIK

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69  
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий кадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилми:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг шешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳоси келишилган нархда.

Тахририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ«Ipoteka bank» Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22  
Андижон — (+998-99) 889-90-23  
Бухоро — (+998-99) 889-90-31  
Жиззах — (+998-99) 889-90-34  
Наманган — (+998-99) 889-90-28  
Навоий — (+998-99) 889-90-28  
Тошкент — (+998-99) 889-90-25  
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32  
Фарғона — (+998-99) 889-90-24  
Хоразм — (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:  
С. Абдураҳимов

Мусаҳҳих:  
С. Шодиева

Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдужалилов

УшА яқуни — 01:35  
Топширилди — 02:00

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма таъбоқ. Бюджетта Г — 817.

28020 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133